

# Хўжалик ишлари бўлими НИЗОМИ

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда – “Агентлик” деб юритилади) нинг Хўжалик ишлари бўлими (кейинги ўринларда – “Бўлим” деб юритилади) нинг асосий вазифа ва функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлигини ҳамда ташкилий фаолиятини белгилайди.

2. Бўлим Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва Бош директорга бўйсинади.

3. Бўлим ўзининг фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги Низом, агентлик Ҳайъатининг қарорлари, агентлик Бош директорининг буйруқлари ва фармойишлари, шунингдек мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

## II. Вазифалар ва функциялар

8. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари:

- Агентликнинг барча бўлинмаларини зарур инвентар, канцелярия воситалари, иш юритиш материаллари билан таъминлаш;
- биноларни капитал ва жорий таъмирлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- алоқа линияларини профилактик текширувдан ўтказиб туриш, телефон линияларини ўтказиш ва телефон аппаратларини таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- хизмат хоналари, конференц-заллар, электр ускуналар, электр ёритиш тизими, кондиционерлар илашини таъминлаш бўйича хизматларни амалга ошириш;
- Агентликнинг барча ходимлари томонидан техника хавфсизлиги қоидалари, ишлаш санитарияси ва меҳнат гигиенаси, ёнғиндан ҳимоя қилиш талабларига риоя қилинишини назорат қилиш;
- Сантехник хизматларни амалга ошириш, марказий иситиш тизими, сув таъминоти ва канализацияни таъмирлаш, сантехника ускуналарини ювиш, йиллик куз-киш даврига тайёргарлик кўриш ишларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- Агентликнинг мол-мулкани йиллик инвентаризация қилишда иштирок этиш;
- омборхонада ва хизмат хоналаридаги барча моддий бойликларни ҳисобга олиш ва саклашни амалга ошириш. Моддий бойликлар келиши ва ишлатилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда тузиш, моддий бойликлар мавжудлиги

тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари билан таққосланади;

- бинонинг сифатли муҳофазаси бўйича Ички ишлар бош бошқармаси қошидаги хавфсизлик хизмати ходимлари билан самарали алоқа ўрнатиш;

- Агентлик ходимларининг фаолиятини самарали ташкил қилишга тўсқинлик қилаётган камчиликлар ва муваффақиятсизликлар ҳақида раҳбариятни ўз вақтида хабардор қилиш.

### **III. Ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

9. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Бўлим унга кўйилган вазифаларга мувофиқ, “Ўзстандарт” агентлигининг тегишли бўлинмалари бошлиқлари билан келишган ҳолда, алоҳида ходимларни, агентлик томонидан олиб борилаётган тадбирларни амалга оширишга жалб қилиши;

- Агентлик раҳбариятига, хизмат кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

- Агентлик ходимларидан хизмат хоналарида тартибни сақлашни, агентлик мол-мулкига, инвентарга, материалларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилиш, ёнғин хавфсизлиги шароитларини таъминлаш;

- Агентлик бўлинмалари бошлиқларига нисбатан хизмат хоналарида тартибни бузилиши, тозалик ва ёнғин хавфсизлиги шароитларини бузилганлиги учун интизомий жазо чораларини кўриш учун агентлик раҳбариятига таклифлар киритиш;

10. Бўлимга юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришга мажбурдир.

11. Бўлим ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни қонунчилик билан белгиланган тартибда қатъий бажариш учун масъулдир.

### **IV. Жавобгарлиги**

12. Бўлимнинг барча ходимлари қуйидагиларга жавобгардирлар:

- юклатилган ваколатлар доирасидан четга чиққанликлари, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги, хизмат вазифаларини бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари ва хизмат этикаси қоидаларини бузганликларига.

### **V. Бўлим фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш**

13. Бўлимга Бош директор томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

14. Бўлимнинг бошқа ходимлари Бош директор томонидан лавозимларига тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

15. Бўлим ходимлари ўз фаолиятини агентлик Бош директори билан келишилган ва тасдиқланган мансаб йўриқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

16. Бўлим амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва тугатилади.